

Раъно УРАЗОВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш UNESCO кафедраси катта

ўқитувчиси,

фалсафа доктори PhD.

ranourazova68@mail.iiia.uz

ҒАРБДА ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

К ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ЗОРОАСТРИЗМА НА ЗАПАДЕ

THE HISTORY OF THE STUDY OF ZOROASTRIANISM IN THE WEST

Аннотация: Ушбу мақолада шарқ қадимияти ва Европа антик даврларидаги гендер тушунчаси, унинг таърифи, маъносининг талқини устида баҳс-мунозаралар ҳамда мазкур тушунчанинг лугавий маъноси таърифланган. Шунингдек, зардуштийлик авеста жамиятида илоҳиёт (пантеон) даражасида функционал гендер таснифи зардуштийлик маъбудалари Чиста, Ардвӣ Сура, Аши каби кўп функцияли хусусиятлари гендер универсаллиги орқали тушунилгани илмий тадқиқ қилинган.

Калим сўзлар: Авеста, Зардушт, скептизм, атеизм, фетишизм, тотемизм, шаманизм, анимализм, манизм, соляризм, Ясна, Дюпперон, Гегель, Бюрнуф.

Аннотация: В статье описывается понятие гендера в восточной и европейской античности, его определение, дискуссии по интерпретации терминологического и лексического значения этого понятия. Научно изучено функциональная гендерная классификация на теологическом (пантеонном) уровне в зороастрийско-авестийском обществе зороастрийские богини, такие как Чиста, Ардвӣ Сура, Аши, понимаются через гендерную универсальность.

Ключевые слова: Авеста, Зороастр, скептицизм, атеизм, фетишизм, тотемизм, шаманизм, анимализм, манизм, солярий, Ясна, Дюпперон, Гегель, Бюрнуф.

Abstract: This article describes the concept of gender in Eastern and European antiquity, its definition, the debate over the interpretation of its meaning, and the lexical meaning of this concept. Functional gender classification at the theological (pantheon) level in Zoroastrian Avestan society Zoroastrian goddesses such as Chista, Ardvi Sura, Ashi is understood through gender universality.

Key words: Avesta, Zoroaster, skepticism, atheism, fetishism, totemism, shamanism, animalism, manism, solarium, Yasna, Dupperon, Hegel, Burnuf.

Авесташуносликда Ғарб олимларининг ўрни ўзига хосдир. Жумладан, ғарб диншунослари томонидан зардуштийлик тарихшунослиги ва Авестанинг ватани масаласига жуда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. 1771-йилда француз олими Анкетиль Дюперрон Авестани “Зенд Авеста” номи билан француз тилига таржима қилиб нашр эттиришидан бошлаб Европада Авеста ҳақида турли тадқиқотлар юзага келганлигини кўришимиз мумкин [7:363]. Масалан, Ф.Шпигелнинг “Зардуштнинг ватани ва яшаган замони ҳақида” номли мақоласи шу йўлдаги жиддий ишларидан бири дея эътироф этилган [15:629-645]. 1894 йилда А.В.Жексон зардуштийлик, Зардушт ва Авеста-бу уч бирликнинг макони ва замони масаласига махсус монографик тадқиқот бағишлаган. Унинг бу асари “Зороастр-қадимги Эрон коҳини” деб номланган. Асар манбашунослик жиҳатидан масала бўйича ўз даврида энг мукамал тадқиқот, деб тан олинган [13:314]. А.В.Жексоннинг бу каби ёндошуви унинг ижоди эндигона бошланган вақтлардаёқ Н.Содербломнинг қаттиқ танқидий руҳдаги тақризига учраган эди. Зардуштийлик ва Зардушт фаолиятига нисбатан ишончсизлик (скептизм) руҳи билан суғорилган қарашларнинг моҳиятини ана шу тақриз ўзида ёрқин ифода этди [14:227-237].

Авеста илоҳиёти ва демонологияси диний тасаввурларнинг ибтидоий босқичлари билан боғлиқдир. Инсонга бўйсунмас табиат ҳодисалари аста-секин одамлар онгида маълум барқарор тимсолларга айланган. Мазкур жараён диншунослик ва маданиятшунослик нуқтаи назаридан узоқ даврларни ўз ичига олган ва бир қанча босқичларда, бир-бирини

алмаштириб такомиллашиб борган. Бу масала динларни тасниф қилиш ёки тизимлаш маъносида кўплаб олимлар фикрини ўзига қаратган. Жумладан, бир қатор олимлар диний тасаввурлар ва тафаккур тараққиётига стадиал жараён сифатида қарашган. Шу асосда XVIII аср Европа олими К.Вольней 13 хил ибтидоий ва такомил босқичларидаги динларни системалар сифатида баҳолаган. Гегель XIX аср бошларида мавжуд диний қарашларнинг ҳар биридан келиб чиқиб, назарий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилган. Масалан, у ҳатто динларни турли ихтиёрий номлар билан атаган. Унинг изидан Г.Ван дер-Левуа динларни тарихий босқичлардаги хусусиятларига кўра “узоқлашув ва қочиш дини”, “уруш ва жанг дини”, “осойишталик, хотиржамлик дини”, “интилиш, ғайрат, шижоат ва қиёфа дини”, “чек-у чегарасизлик дини”, “абодият дини”, “узлат, таркидунёчилик дини” ва бошқалар каби атаган. Кўриниб турибдики, бу каби таснифда тарихий хусусиятларнинг аниқ илмий ифодаси йўқ. Шу сабабли бу каби таснифни жиддий қабул қилиш қийин. Дарвоқе, ушбу тасниф доирасида зардуштийликни “жанг, кураш дини” деб таърифлаш ҳам тўғри эмас. Бунинг устига зардуштийликни Г.Ван дер Левуа оддийгина қилиб “маздеизм” деб атайдики, бу шакл ҳам диннинг моҳиятини аниқ кўрсатмайди [10:14-15].

Д.Лёббок, С.А.Токаревларнинг кўрсатишича, динларнинг стадиал (босқичли) тараққиёт йўлини етти стадияда - атеизм (ҳали худо тушунчаси йўқ босқич), фетишизм, тотемизм, шаманизм, бут ва санамларга сиғиниш, художчилик, яъни ғайритабиий илоҳий яратувчиликни тан олиш, эзгуликлар яратувчи художчилик босқичлари каби тақсимлаган. Бу босқичлар нуктаи назаридан зардуштийликнинг ўрни яратувчи худога ишониш ва эзгу ишлар парвардигори кабиларга мос келади [10:14-15]. Динлар таснифи ва таърифи тарихшунослигида Л.Фрабениус яна тараққиёт динамикасини уч босқичли эканига қайтиб, анимализм (яъни, ҳайвонот култи), манизм (эркакликни бирламчи даражага олиб чиқиш), соляризм (қуёш култи) кабиларни динларнинг асоси сифатида олға сурди [12:14; 10:622]. Бу қарашлар билан зардуштийликни қиёс қилинса, унда ҳар уч босқич аломатларини (белгиларни)

кўриш мумкин. Масалан, анимализмни олайлик. Авестада Воҳу Мана (Баҳмон) малак сиймо ҳўкиз тимсолида намоён, (Геуш Урван-ҳўкизнинг руҳи); Варахраннинг намоён бўлиш шакллари, бири - қабон, яна бири қўш ўрқачли нор туя ва бошқалар; “Видевдот” наскида зардуштийликнинг итти муқаддаслаштиришга қаратилган боблар мавжуд; Тиштрия (Сириус-Тир) юлдузи тимсолидаги маъбуднинг намоён бўлиш шакли - оқ от, тоғ қўтоси; Авестада Вароғн қуши, унинг пати улуғланади ва ҳоказо.

Иккинчи босқичдаги манизм унсурлари Авестада илк қаҳрамонлик ғояси орқали ифодаланган Гавамартан (Қаюмарс), Хаошянҳа (Хушанг), Кави Усан (Қайковус), Сйаваршан (Сиёвуш), Хаосрава (Хусрав), Тахмурас, Фаридун ва бошқалар. Учинчи муқаддас объект соляризм бўлса, Авестада Қуёш култига катта ўрин берилган. Митра Харатти тоғи чўққисига муқаддас Қуёшни тонг саҳарда олиб чиқади. Авестада Қуёш шаънига шараф алқови етиб келган:

“Отлари учқур кимдир

Биз унга топинурумиз.

У ўлмас ёлқин

Биз унга топинурумиз...” [1:36].

Демак, бу хил тасниф доирасида ҳам зардуштийлик ўзининг универсал хусусияти билан ажралиб туради.

Т.Ахелис дин тарихини уч босқичга бўлиб қилган таснифига кўра “энг қуйи босқич” динлар (фетишизм, шаманизм), иккинчиси “юқори босқич” динларига - кўпхудолик, табиат ҳодисаларига эътиқоднинг нисбатан ривожланган шакллари, ҳамда учинчиси - ахлоқ тарғибига қаратилган динлар фарқланган. Бу таснифга зардуштийлик қиёс қилинса, ундаги ибтидоий тасаввур унсурлари билан бирга, кўпхудолик, ахлоқий таълимот ғоялари ҳар учала босқичга бирдек тўғри келишини кузатиш мумкин. Хусусан, Т.Ахелиснинг фикрича, диннинг олий даражадаги такомил унинг муайян шахсга илоҳий ваҳий орқали хабар қилингани билан белгиланади. Бу маънода Зардуштнинг “пайғамбарлик” миссияси Бу нодир ёдгорлик XVIII асрда илм-фан аҳлига яқиндан маълум бўла бошлайди. 1728 йилда инглиз олими Ж.Боуже Авестанинг бир неча қисми қўлёзмаларини Ҳиндистондаги зардуштий уламоларидан қўлга киритиб,

Оксфорд коллежи кутубхонасига топширади. Шундан сўнг, бир неча йил давомида Ҳиндистондаги ана шу маздопарастлар орасида юриб, уларнинг урф-одати, қадимги тилини, муқаддас китоби Авеста алфавитини ўрганган А.Дюперрон 1771 йили обиданинг бир қисмини француз тилига таржима қилиб, сўз боши ва асл матни билан эълон қилади [11:65-66]. Натижада Ғарбий Европада Авестага қизиқиш янада кучайиб, авесташунослик пайдо бўлади. Гарчи А.Дюперрон тадқиқоти ва таржимаси атрофида кўп мунозаралар, ўринсиз шубҳалар туғилган бўлса-да, охири-оқибатда уни авесташуносликнинг кашшофи сифатида тан оладилар. Эндиликда, деярли барча авесташунослар Дюперрон меҳнатини эътироф этиб, унинг матнига суянадиган бўлдилар. Жумладан, Силвестр де Саси, Тихсен, Уильям Жонс ва бошқалар Зардуштни инсоният бешигидаги биринчи шоир ва файласуф сифатида баҳолайдилар ва уни илм оламига таништиришда Дюперроннинг хизмати катта эканлигини таъкидлайдилар. Масалан, Силвестр де Саси Сосонийлар даври қоя битиклари тилини ўрганиб, Авестанинг пахлавий тилидаги шарҳлари билан танишгач, Дюперрон меҳнатига юқори баҳо беради. XIX асрнинг бошларига келиб ана шу таржима асосида қадимги Бақтрия, Мидия, форслар дини тарихи Авеста тилига доир бир неча илмий тадқиқотлар вужудга келади.

Ғарб шарқшунослари (ориенталистлар) Авестани ўрганишга жиддий киришадилар. Бирин-кетин, инглиз ва француз тилларида ушбу китоб таржималари чоп этила бошланади. Жумладан, И.Мейрирснинг “Зардуштнинг ҳаёт йўли, низоми, даъватлари ҳамда асарлари” (1774-1778) китоби муҳим аҳамиятга эга. Зеро, китобда муаллиф зардуштийликнинг туб моҳияти, унинг брахманлик билан умумий жиҳатларини (яъни, жамиятнинг юқори табақаси манфаатларига қаратилганлигини) аниқлаб, ишонарли далиллар асосида тушунтириб берган. Ҳатто, муаллиф ислом дини билан зардуштийлик дини орасида умумийлик жиҳатлари ҳам мавжудлигига олимлар диққатини жалб этган.

Немис олимларидан Й.Г.Роденинг “Зенд халқлари”, Э.Раскони “Зенд Авеста” ва “Зенд тилининг қадимийлиги ва ҳаққонийлиги”

(1820-1827) китоблари шулар жумласидандир [7:255-266].

XIX асрда Авеста Ғарб файласуфлари диққатини ўзига жалб этди. Г.Риттер ўзининг 12 томлик “Фалсафа тарихи” китобида, Гегельнинг қатор мақола ва нутқларида Авестадаги диний ва фалсафий ақидаларни шарҳлаб, уларнинг мазмун, мундарижа жиҳатдан қадимги юнон мифологиясидаги қарашлардан бирмунча бойлигини алоҳида таъкидлаган. “Бу, - дейди Гегель, - чинакам зиё ва яхшилик динидир. Унда зиё зулматга, яхшилик эса зулмга қарши қўйилади”. Гегель Зардуштни диннинг фаол яратувчиси, курашчан, элни фаровон, юртни обод қилувчи тақводор эканлигини алоҳида уқтиради ва уни бу соҳада “ислохотчи” деб атайди [5:630].

Авесташунослик тарихида француз тилшуноси А.Бюрнуфнинг “Яснага шарҳлар” китоби янги бир босқич бўлди. У А.Дюперрон ишини давом эттириб, Авестанинг лексик ва грамматик хусусиятларини анча пухта ўрганади ва Беҳистун ва Персепол қоятош битиклари тили билан ҳамда қадимги ҳинд Ведалари билан қиёсий-типология таҳлил этади. Натижада бу олим ёдгорлик қатламини аниқлашда янги бир босқични бошлаб беради. Виндиман ўзининг машҳур “Зардуштийлик тажрибалари” номли тадқиқотида Митра ва Анаҳита ҳақидаги мифларни ҳинд эпоси билан солиштирар экан, Бюрнуфнинг қиёсий - типология усули нақадар илмий асосланганлигини яна бир бор таъкидлаган. Шундай қилиб, Ғарбий Европа шарқшунослигида Авеста моҳияти хусусида икки йўналиш пайдо бўлади: айрим олимлар Авеста билан Ведаларнинг илдизи бир, улардаги мифларнинг ўхшашлиги шундай хулоса чиқаришга асос бўлди, дейишса, иккинчи гуруҳ олимлар бунга қарши фикр билдириб, “ҳар икки ёдгорлик бўлак-бўлак заминда вужудга келган, уларни моҳиятида жиддий тафовутлар бор, шунинг учун Ведани ҳам Авестани ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўрганиш ва баҳолаш лозим”, - дейдилар [6:72-80]. Авестанинг кейинги тўлароқ таржималари ва улар асосидаги тадқиқотлар иккинчи йўналиш тарафдорлари фикрлари тўғрилигини тасдиқлади. Бу тадқиқотларда бир томондан зардуштийлик динининг катта минтақани камраб олгани, ҳақиқатдан ҳам

яккахудоликка асосланган эътиқод эканлиги кенг таҳлил этилса, иккинчи томондан ёдгорлик тилининг грамматик хусусиятлари илк бор илмий жиҳатдан анча пухта текширилади. Кейинчалик тилшунослардан Бопп, Жолли, Гарда Жакиналарнинг турли хажмдаги китоблари нашр этилдиким, уларда Авеста тилининг фонетик, лексик ва морфологик жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган.

Ғарбий Европада Авестани ўрганиш, тарқалишига энг катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири М.Мюллердир. У М.Мюллер (1823-1890) тарих, қиёсий мифология, қиёсий тилшунослик, диншунослик, ҳинд адабиёти бўйича кўплаб тадқиқотларнинг муаллифидир. М.Мюллернинг ташаббуси ҳамда шахсий иштироки билан 1879-1904 йиллари инглиз тилида 49 томлик “Шарқнинг муқаддас китоблари” нашр қилинди. Ж.Дармстетер “Зенд Авеста”нинг 3-қисми ҳамда “Яшт Хом”ни, Л.Г.Миллз эса “Виспарад”ни таржима қилган (31-жилд, 1884). Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ж.Дармстетер Авестанинг танқидий матнини тузиш, инглиз ва француз тилларига таржима қилишдан ташқари ёдгорликнинг адабий қиммати хусусида бир қанча тадқиқотлар муаллифи ҳамдир. Уларнинг бир қисми кейинчалик “Эрон лавҳалари” (1888) китобида жамланган. Унинг меҳнатлари туфайли авесташунослик янги поғонага кўтарилди ва кейинги авлод тадқиқотчилари учун мустаҳкам асос яратди. Немис файласуфи Ф.Нитше ўз қарашлари ва фикрларига хос равишда “Зардушт таваллоси” номи тўрт қисмдан иборат насрий дoston яратди [9:348]. Бироқ Ф.Нитше ўз асарида чин маънодаги авесташуносликдан йироқ “олий инсон” (супермен) ғоясини олға сурди. Натижада бу ғоя XX аср немис миллий шовинизмига хизмат қилдирилди.

XX асрнинг бошларидаги авесташунослик тараққиёти бевосита Х. Барталоме (1855-1925) фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Х.Барталоме Авестанинг таржималари асл матни, у ҳақидаги тадқиқотларни 30 йил давомида ўрганиб чиқиб, пахлавий тили хусусида бир қанча мақолалар ёзди ва маърузалар қилади. Ниҳоят, 1878 йил “Қадимги эрон тили луғати” ни чоп эттиради ва “Тоҳ”ларнинг таржимасини яратади.

Россияда Авестани ўрганишга бағишланган дастлабки уринишларга А.Коссовичнинг “Зенд

Авестадан тўрт мақола” (1860) китобини ҳамда XIII асрга доир “Зардуштнома” достонининг таржимасини (Х.Розенбергнинг эркин таржимаси) киритиш мумкин. Бундан ташқари XIX асрнинг охири чорагида В.В.Бартольд, К.Г.Залеман, А.Л.Погодинларнинг бир қатор тадқиқотларида ҳам Авестанинг яратилиши, Зардуштнинг ватани ҳамда шахси ҳақида диққатга молик мулоҳазалар баён этилган. Шундан сўнг Б.А.Тўраев Авестани таржима қилиб, зардуштийлик динини кенгрок ўрганишга жиддий киришади. У бу соҳадаги изланишларини “Қадимги Шарқ тарихи” (II жилд, 1883) китобига киритади. Тадқиқотчи зардуштийликни буддизм билан солиштирар экан, улар ўртасида ўхшашлик, умумийликни аниқлаб кўрсатган ҳолда, зардуштийликда, дунёвийлик, ҳаётийлик жумладан, турмуш маданияти, деҳқончиликни ривожлантиришга даъват бирмунча устун эканлигини алоҳида таъкидлаган. Б.Ғ.Ғофуров, И.Г.Алиев, И.М.Дьяконовлар ҳам Авестани ўрганишга муносиб улуш қўшганлар. Олимлар Авестадаги мифларни синчковлик билан текшириб, уларнинг замини Ўрта Осиё эканлигини асослашган: куюш, от, мол ва бошқа тимсолларга эътиқод бу минтақа халқлари оғзаки ижодида ҳамон давом этиб келаётганини аниқ мисоллар асосида кўрсатганлар [3:432].

Рус шарқшунослигида Зардушт ва Авестага бағишланган тадқиқотлардан бири А.О.Маковелскийнинг “Авеста” китобида авесташунослик тарихи ҳамда астрономияга бағишланган боблари таҳлилнинг чуқурлиги, далилларнинг бойлиги билан кишини ўзига жалб этади. Муаллиф тадқиқотда Авестанинг қайси нусхаси ёки таржимасига таянганлигини таъкидламаган. Бундан ташқари китобда зардуштийларни “оташпарастлар” дейишга мойиллик кучли акс этган. Бу асар Авеста моҳиятини рус ўқувчиларига тушунтирадиган камёб рисоладир [8:144]. Е.Валентиновнинг “Родина Заратустра” мақоласи ҳам янги далил ва маълумотларга бойлиги билан диққатга молик [4:11-13].

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестани Ғарб олимлари одатда фақат эронийзабон халқлар билан боғлаб тушунтирадилар. Аммо зардуштийлик дини Ўрта Осиёда туркийзабон этносларнинг

хам маънавий мулки эканини, жумладан, ўзбек халқининг тарихий этнографик хусусиятлари, бугунги турмуш тарзи, урф-одатлари, тафаккурий ментал хусусиятлари якқол кўрсатиб турибди [2:53-72]. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўзбек халқининг туркий тиллар оиласига мансублиги Авестага ворисликни асло инкор этмайди.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Юқоридаги тарихшуносликка оид адабиётларда зардуштийлик динининг ватани, Зардушт шахси ва Авеста илоҳиётига бағишланган муҳим илмий тадқиқотлар қайд этилди. Ғарбда Авеста билан боғлиқ тўлиқ камраб олинган махсус тадқиқотлар йўқ. Турли даврларда бу масалага оид тадқиқотларда айрим маъбуд ёки маъбуда ҳақида фикр юритилган [7:315].

2. Авеста бўйича таҳлил этилган адабиётлар хронологик маънода қарийб икки аср нашрлари камраб олинди. Шунингдек, Ғарб авесташунослиги бир қатор фихристларида учраган нашрлар ўзининг илмий мақсадлари ҳамда маълум бир тадқиқот муаммоларини ёритишга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Авесто: Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.36.
2. Аширов А. Ўзбек халқининг эътиқод ва маросимлари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2007. – Б.53 -72.
3. Васильев Л.С. История религий Востока. – М.: Книж. дом. Университет, 1999. – 432 с
4. Валентинов Е. Родина Заратустры // Поиск, №7. – М., 1990. – С.11-13.
5. Гегель. Сочинения. Т.П. – М.: Мысль, 1972. – 630 с.
6. Исхаков М.М., Уразова Р.Т. Некоторые вопросы сравнительного анализа уровня мифологии и общественных отношений (на примере Ригведы и Авесты). “Авесто қадриятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа”. Халқаро илмий конференция. Тўплам. – Тошкент, 2013. – Б.72-80.
7. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С.255-266.
8. Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1980. -144 с.
9. Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: Наука, 1990. – С.14-15.
10. Нитше Ф. Зардушт таваллоси. // Тарж. И. Ғофуров. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. - 348 б.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси: Т.1: А-Бешбалиқ. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б.65-66.
12. Frobenius L. Das zeitalter des Sonnendottes. – Berlin, 1904. – S.14.
13. Jackson A.V. Zoroaster the Profet of ancient Iran. – N.Y., 1919. – C.314.
14. Soderblom N., Ad: Jackcon A.V. Zoroaster the Prophet of Ancient Iran. – N.Y.,1894. – RHR.,1899. – P.227-237.
15. Spiegel F. Uber das Vaterland und das Zeitalter des Awesta. - Zeitshrift der Doischer Morgenlandisher Geselshaft, 1881. – №31. – Ss. 629-645.